

Ёшлар билан ишлашнинг янгича тизими амалда



Жорий йилнинг 11-апрель куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Президентимиз ёшлар бандлигини таъминлаш, сифатли таълим билан қамраб олиш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вазифалар белгилаб берилган эди.

Ушбу топшириқлар ижроси доирасида Термиз туман Адлия бўлими бошлиғи Баҳодир Ашуров ва бир қатор масъуллар “Янги ер” маҳалласида бўлишиб, маҳалладаги ижтимоий ва моддий ёрдамга муҳтож ёшлар билан учрашди.

Туман Адлия бўлими бошлиғи ўзига бириктирилган ёшлардан бири Ойниса Абсатова ва унинг онаси билан суҳбатлашди. Мулоқот жараёнида Ойнисанинг ўқиши, келгусидаги режалари, уларни қийнаётган муаммолари тинглади.